

БОЛА ТАРБИЯСИ УМУМХАЛҚ ИШИ

КОММУНИЗМ КИШИСИНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

БОЛА

Коммунистик принципдаги янги жамияти- мида ҳар бир совет кишии жисмоний, ақ- ли ҳуқуқий ва эстетик томондан мукаммал тарбия қилинган, гармоник ўсган, ҳаққ маъна- фати учун ижодий меҳнат қилган ақил ва- жоҳи бўлиши лозимдир. Чунки, совет ки- шида коммунистик жамияти куришга ҳис- са қўшишдан кўра, ўзининг ҳалол меҳнати, доно ақли ва коммунистик ахлоқи билан партия ва ҳукуматимиз олдига маънур бўлишдан кўра қимматбаҳо наара йўқ. Ҳали халқимизнинг енгилмас кучи, ҳалқаро обрўйинининг ўсиб бораётган салмоғи ҳам ана шундан.

Еш авлоди ҳар томонлама етук кишилар қилиб тарбиялаш — шарафли вазифамиздир. Бу олижаноб иш совет халқини яна ҳам улғ- тайди, мамлакатимиз ҳудудини яна ҳам му- стаҳкамлайди, янги жамият куриш суръатини яна ҳам тезлаштиради.

Болани севмаган киши бормикан ўзи. «Ўзи- миз бир илок қилиб тиркичилик қилмас шу- қур дер эдик, болаларнинг бўлмагани ахши- роқ» дейдиган кишиларни Улғу Ленин «мен- чанлар, худбинлар» деб қаттиқ қоралган эди. Шунинг учун ҳам ўз фарзандини тарбия- лашга совуққонлик билан қарайдиган, бола тарбияси билан шуғулланишга «вақт толма- ган» сатанларга қарш ҳаққ таъдидини ўзи- гиш албатта лозим бўлади.

Бизда шундай олижаноб оналар борки, бо- лани тарбиялаб, илму-ҳунарли, одоб-ахлоқли кишилар қилиб етказишни ўларига бир садо- қат деб ҳисоблайдилар. Буни учун бор бўл- ган бутун имкониятлардан фойдаландилар. Бу, жуда кўп киши Чунки, ақил оиладаги еш болага бўлган муҳаббат, илм муносабат ва тўғри тарбия боланинг нормал ривожланиши учун сабабчи бўлади. Шундай бола оилада ўзини эркин сезади. Оиланинг катта аъзолари- га эргашиб фикрий қобилияти ошиб боради, ахлоқи шаклланади, асаблари тўғри тарбияли қилади. Бола соғлом фикр қиладиган, ўйлаб тапширадиган, ҳуқуқ ва маъбуриятини ақрат- олидиган ақил феоли-аторли бола бўлиб етмади. Бундай оилада тарбияланган фар- занда «сени ўстирган ва тарбия берган ота- онамга раҳмат» демасдан илм йўқ.

«Ўзининг бил, ўзга билан не ишинг бор» деган мақол эски турмушнинг жироқли на- сиҳатларидан биридир. Бу гап, «Бир киши ҳам- ма учун, ҳамма бир киши учун» деган коммуни- стик жамиятнинг инсоний принципларига му- тлақ қарама-қаршидир. Бизда «ўзга» деган сўзнинг ўзи ва ўзи бўлмаслиги керак. Чунки, ҳаётимиз коллектив ҳаёт бўлиб, мақсадимиз илмий коммунизм куришдан иборатдир.

Шунинг учун ҳар бир киши ўз боласини қандай ардоқласа, унинг бахти-саодати учун қанчалик курашса, ёнма-ён турган қўн-қўн- қўннинг, қариндош-уруғларининг болалари тўғрисида ҳам шунчалик ғамхўрлик қилиши, албатта зарур. Болани ёлғизликда коллектив ҳаётга ўргатиш, бир-бирини қўллаб-қўлти- қлайдиган меҳрибон қилиб ўстириш, катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхўр руҳида тарбия- лаш — совет кишиларининг энг ўзгал хўшқў- қибаларидан бири ҳисобланади.

Катталарнинг асосий вазифаларидан бири шундан иборатки, онда, ўйин, меҳнат ва дам олиш процессида, ҳамма жойда ва ҳамма вақт бола коллектив учун ижодий меҳнат қилишга ҳамада коллектив меҳнат самараларидан бир- галикда роҳатланишга олаётган бўлиши.

Халқимиз «хўш тўйда керак» ақл қанда керак» деб беиз айтмаган. Бизнинг фикри- мишча, ақл ва фаросатга асосланган табиий ва халқий ҳуқуқига қўйилган ва оромбахт ҳуси бўлаолади. Бундай ҳуси эгаси бўлган ўғил ва қизларимиз чехрасининг психиклиги, кийим-кечагининг бежиримлиги, юрини-туришининг ёқимтойлиги, муомала ва муносабатининг жо- зибдорлиги, ақл-хўши ва ҳуқуқий-қефасининг бўлиқлиги билан ҳаммани ўзига мафтун қилади.

БОЛА

Олтин балдоқлар билан қумуш ҳалқалар, жизгинаги чикқан сочлар билан қипқизилга бўялган лаблар, ҳаддан ташқари тор бичил- ган кишилар билан бирин-кетин чекилган си- гаретлар, ўтакетган ғирғирак либослар бил- ан кишининг жингига тегадиган ёқимсиз қи- лиқлар, умуман эркак ва хотинларимизга, ҳуусан ёшларга ҳуси бўлмайди, акинча кишини жироқлантиради.

Бизнинг фикримизча, ёмон ахлоқи билан ақли болаларга салбий таъсир этаётган олим- та-сатанлар, ичи қаттиқ, усти ялтирок, сердуюғ, беҳушов танноқлар, ҳушомадгүй, ишқмас текинхўр паразитлар, ичи қора тухматчи мунофиқлар устидан жамоат кон- троллини бўшаштирмаслик лозим.

Санъат ва адабиётини — кино ва театрини, радио ва телевизионни, ашула ва рақсини эсте- тик тарбиядаги ролига жуда катта ҳаққ бе- римиз. Кино парадисини, телевизор ойнасини — ҳақиқат ойнасини ва тарбия маибаи деб била- миз ва қадраймиз. Юкори бадний маҳорат билан ёзилган саҳна асарларига, ҳонанда ва созандаларимизнинг мазмундор, мароқли куй ва ашулаларига, раққосларимизнинг кишига эмоционал таъсир этадиган завоқли ўйинлари- га халқимизнинг бадний ҳазинасининг дурдо- налари деб ҳаққ беаримиз.

Лекин баъзан, беъаъми олди-қочти дoston- лар ва ҳақиқий турмушдан жуда узоқ бўлган афсоналарга асосланган дахилатли музот- фильмларнинг кўрсатилишини ёшларнинг пси- хологикасига ва таълим-тарбиянинг мақсадлари- га хилоф деб ҳисоблаймиз. Ахир, бундай кино- фильмларнинг томошабини, асосан, еш болар- ку! Уларни ёшлардан бориқини тўғри тасаввур қилишга, воқеа ва ҳодисаларга тўғри баҳо беришга ўргатиш зарур эмасми!

ЁШИДАН

Еки баъзан «Бу фильмин 16 ёшга тўймаган болаларнинг куришлари тавсия этилмайди» деб ота-оналарнинг оғоҳлантирилиши жон- зўрмас керак. Болалардан ташқари томоша- бинлардан ана бир қанчаси ҳам чикки кетиш- га мажбур бўлади. Чунки, ишқ ва муҳаббат туйғусини қўпол ифодалаш — ахлоқ нормаси- дан четга чиқиб, социалистик ҳаётимиз воқеаларига бўлмаган, чет мамлакатлар таъсиринда ижро этиладиган ярим-яланғон ўйин- лар илгор эстетик дидга эга бўлган ҳалқи- мишга ёқмайди.

Шунинг учун бадний тарбия оимларининг форма ва мундарижасидан тортиб ижросигача коммунистик ахлоқ принциплари шаклланти- риш ва таълим этилишини тавсия этамиз.

Бола тарбияси — умумхалқ иши. Бу ниға ҳисса қўиши — ҳар бир совет кишининг шарафли бурчи. Бу иш мавсумий — даврий иш эмас, балки ҳамма вақт, ҳамма жойда, ҳамма киши томонидан амалга оширилиши лозим бўлган шарафли бурчдир. Бу ишда ота- оналардан тортиб маҳалла меҳнаткашларига- ча, боғча мураббийсидан тортиб ўқув юртла- рининг педагогик коллективига, партия, комсомол ва пионер таълимлотидан тортиб суд ва прокурор органларига систематик амал иш олиб боришлари керак бўлади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Улғу Ком- мунистик жамиятини барпо этаётган совет халқи еш авлодидининг илмий-коммунистик жамиятга муносиб курувчилар қилиб тарбия- лайдди.

Аъзамхон РУСТАМОВ.

Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, шахсий пенсионер.

Ҳабоба ЮСУПОВА.

Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, шахсий пенсионер.

Аҳмаджон УМАРОВ.

Тошкент шаҳар, 5-мактабнинг ўқитувчиси.



Киров районининг ўрнқий кўчасидаги 29-ҳовида бола тарбияси соҳасида ибратли иш- лар амалга оширилди. Тарбия соатлари шу ҳовида истиқомат қилувчи ота-оналар томонидан олиб борилади. Пенсионер Гул- сум Шайдулина ҳам болажон онахонлардан. Сиз бу суратда ўн болалар билан суҳбат ўт- казётган вақтда кўриб туриб- сиз.

ОРЗУМИЗ

Ўғимизда савод нимолицими билмасан рабек оилаларидан аж- оиб мувафассилар, олимлар, врач- лар ўқитувчилар етишмоқда. Жу- да кўп оилалар тўққиз-жи фар- занд ўстириб, уларни жамияти- мизнинг муносиб кишилари қилиб тарбияламоқдалар.

Тошкентдаги Далимовлар, Са- римсоқовлар, Исломбековлар ои- ласи шулар жумласидандир. Ре- публикамизда бундай оилалар жу- да кўп-кўп топилади.

Биз бола тарбиясида яхши на- тижаларга эришсан, бир неча фарзандни ўстириб, уларнинг жа- миятимизга муносиб ўрин эво- лутларига сазовор бўлган ота- оналарнинг таърибаларини ёзма- ники истар эдик. Афсуски, ҳали ана шундай оилаларнинг ибратли ишларини ҳуқуқ қилувчи, таъри- баларни ўртоқлашувчи жамият китоблар йўқ. Бундай китоблар- нинг яратилиши фарзанд тарбия- лаётган оилаларга катта ёрдам бўлар эди.

С. НУРХУЖАЕВ.

музыка мебеллари заводининг мастери.

КУН ТАРТИБИДА—ТАРБИЯ МАСАЛАСИ

— Бизнинг еш авлодими порлоқ наъман — коммунистик жамиятда яшайди ва ме

ЖАЗОИРГА, ФЕСТИВАЛГА

Маргарита Оқилова клубга кириб келганда кизлар ўзлари-
ча турли машқ қилишар, айрим-
лар «Йонон», оҳангига ҳаракат
этас, бошқалар «Пилла», «Та-
новор» рақсларини репетиция
қилишарди. М. Оқилова кизлар
билан саломлашган машғулот-
ни бошлаб юборди. Дутор овоз-
и янграй кетди. Кизлар лапар-
ни энди бошлаган ҳам эдилар-
ки:

— Тўхтаган. Озода кўринмай-
ди-ку, — деди устоз.

— Шу ерда. Муҳаббат югу-
риб қўшни хонадан дугонасини
бошлаб чиқди.

— Салом, Маргарита опа.

— Салом, Нима қилаётган
эдинг?

— «Дўппи» рақсини қайтара-
ётган эдим.

— Ҳа, ойна олдида ўзининг
ҳаракатига ўзи махлиё бўлиб
турган экан. — деди муҳаббат.

— Ҳа, Озода хонага ўзи эмас,
бутун дунё ёшларни махлиё бў-
лади. — деди М. Оқилова. —
факат изланишни, ўрганишни
давом эттириши, керак.

— Қани, кизлар бошладик.

— Бу кизлар ким деб ўйлар-
сиз? М. Оқилова тилга олган
Озода ким?

— Бу ҳаваскорлар Тошкентдаги
«Шарқ гули» фабрикасининг
қўли гул чеварлари, дуторчи
ва раққоса кизлари. Улар устоз-
лари М. Оқилова раҳбарлигида
репетиция қилишпти. Озода


Аҳмедова ана шу коллектив-
нинг кичик бир аъзоси. У меҳ-
натда ҳам, фабрика жамоат иш-
ларида ҳам бошқаларга ўрнак
бўлипти, ҳаваскорлар тўғриси-
да янги-янги куй ва рақслар ўр-
ғаниб дам олиш кечаларида,
байрам ва дўстлар гурунгида
кўпчилинка ҳузури бахш этипти.
Озода фабрикага келганига кўп
бўлган йў. 3-4 йил ичда у
кўпчилининг қалбидан жой то-
па олди, ҳурматига ҳурмат топ-
ди. Ишга келган йиллик фабри-
ка қарамоғидаги ёш талантлар
клубига аъзо бўлди. Тўғарак
раҳбари Ўзбекистон ССР халқ
артисти Коммуна Исмоилова
Озодага санъат сирларини ўрга-
та бошлади. Озода Коммуна
опадан турли қўшиқларни ўр-
ганса, Маргарита оладан рақс-

ни ўрганиб репертуарини бойла-
та борди. У икки этган «Осмон
қизлари», «Даврон сурайил» қў-
шиқлари, «Доира рақси», «Пил-
ла» рақсларини телетомошанин-
лар ҳам бир неча марта ҳузури
қилиб кўришган.

Яқинда А. Навоий номли те-
атрда республика ҳаваскорлари-
нинг конкурси ўтказилди. Бун-
да «Шарқ гули» фабрикаси ба-
дний ҳаваскорлари ҳам қатнаш-
ди. Озода дугоналари М. Ҳани-
мова, М. Назарова, М. Пуло-
шева, Х. Набиқўжаевалар бил-
ан «Дўппи» ва «Атлас» рақс-
ларини ижро этди. Конкурс жо-
риси уларнинг бу чиқишларини
юқори баҳолади ва шу йил
июнь ойида Жазоирда бўлади-
ган бутун жаҳон ёшлар ва сту-
дентларнинг фестивалида қат-
нашиш учун йўланма берди.

Озода Аҳмедова дугоналари
билан узоқ Жазоирда миллий
куйимиз ва рақсинини тара-
нум этди. Ўзбек қизи бунга
ижодий тарафдор бўлди.

Х. ШАРОФХУЖАЕВА.



Реклама
ВА//Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

18 МАЙДА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — Телевизион
янгилар, 18.25 — Сўнгра Марс-
га томон (кинофильм), 18.45 —
Транктор Ингуз заводидан репор-
таж (санъат ҳодимлари учун),
19.10 — Реклама ва эълонлар,
19.20 — Сергей Долгинининг уч
дафтра (Марназий телестудия
постановкаси).

20.30 — Эшиттиришлар про-
граммаси.

Ўзбек тилида: 20.35 — Телеви-
зион янгилар, 20.55 — Кон-
церт (бадний ҳаваскорлар ижро-
сида), 21.35 — Ер, инсон, виждон
(телефильм), 22.00 — Студентлар
учун («Эшлик» студияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.40 — Ишчилар
синфининг мунособ авлоди (кат-
та ёшдаги мактаб ўқувчилари
учун), 20.05 — Тошкент янгилар-
лари, 20.15 — Салом, Волга-Волга!
(телеочер).

Рус тилида: 20.35 — Дуслин
визити (хўжалик фильм), 20.55 —
Тошкент янгиларлари, 21.05 —
Шундай инсон келди (теле-
очер), 21.25 — Борис Годунов
(фильм-опера).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА —
19/У да Хоразм кўшиғи.
МУКИМИ НОМЛИ ТЕАТРДА —
(бағи бини) — 19/У да Ишнинг
билан.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ
ЗАЛИДА — 20/У неч соат 8 да
Ўзбекистон ССР ва Туркменистон
ССР халқ артисти Комилжон Ота-
ниёзов раҳбарлиги ва иштирокида
Хоразм ансамблининг концерти.
Билетлар сотилмоқда.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА: —
«Эхт қўли билангузук» — «ЎЗБЕ-
КИСТОН», «МОСКВА», «СПУТНИК»,
«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кун-
дуз ва кечкурун).

Осмон налити — НАВОИЙ ном-
ли, «ИСКРА», (кундуз ва кечку-
рун).

Совуқ излар — «СПУТНИК»
(кундуз соат 12, 4, кеч 6, 8 ва
10 да), «ИСКРА» (кеч 8-40 минут-
дан).

Пташкин қиссаси — «СПУТНИК»
(эрталаб соат 11 ва кундуз 2 да),
«ЮДУЗ» (кундуз 5, кеч 7 ва 9
да).

Бўрон — САНЪАТ САРОИИ
(кундуз соат 12, 4, кеч 6, 8 ва
9 яримда).

Хабар фотоси — НАВОИЙ ном-
ли (кеч соат 10 да).

Руминия иши — «СПУТНИК»
(эрталаб соат 10 да).

Хўмучи Ивана — «КОМСОМОЛ
30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10
да).

ЭЗГИ БИНОДА:

(кеч соат 8 яримда бошланади).
Осмон налити — «ФЕСТИВАЛЬ»,
НАВОИЙ номли.

Эхт қўли билангузук — ТЕЛ-
МАН номли.

Ешим йигирмада (1 ва 2-серия)
— КАФАНОВ номли.

Хўмучи Ивана — «БАТАИ»,
Ганга ва Жамна (1 ва 2-серия) —
«1 МАЙ».

Совуқ излар — «УДАРНИК».

Суратдаги одам — ПУШКИН
номли.

«ПОЛИТОДЕЛ»
КОЛХОЗИ СТАДИОНИДА

19 майда

«А» класс бўйича Совет
Иттифоқи биринчилиги учун:
«Карпат» (Львов) — «Политоде-
л» (Тошкент области) командалари
ўртасида

ФУТБОЛ

Кеч соат 6 яримда бошланади.
Билетлар сотилмоқда.

Тошкентдан стадионга кундуз
соат 3 дан Революция скверга
ва Қўйилган махсус автобуслар
қатнайди.

1965 йил 28 май кундуз соат 2
яримда, Тошкент политехника
институтини курашиш факультети
энг залда (Якуз Колас кў-
часи, 16-уй).

Р. А. Сулейманов — техника
фанлари кандидати деган илмий дара-
жани олиш учун: «Ўзбекистон-
тода сув истемоли ва унинг
иқдорига таъсир қилувчи фак-
торлар» деган темада.

ДИССЕРТАЦИЯ

ЕҚЛАЙДИ

Н. Ф. Войнич — техника фан-
лари кандидати деган илмий дара-
жани олиш учун: «Қурилиш иш-
ларини ташкил қилишнинг баъзи
эффектив методлари (ишлаб чи-
қиш ва жорий қилиш)» деган те-
мада.

ДОКЛАД ЕҚЛАЙДИ

Диссертация ва доклад билан
институт кутубонасида танишиш
мумкин (Навоий кўчаси, 17-уй).

ФУТБОЛ

мусобақалардан чиқиб кетиш-
га мажбур бўлди Тошкент фут-
болчилари. Орехово-Зуевода
«Знамя труда» командасидан
2:3 ҳисобида енгилдилар. Ма-
на, бир неча илдириқ, пахта-
корчилар кубок учун бўлади-
ган уйинларда муваффақиятсиз
натияжи келмоқдалар. Тўғри,
командамиз составида буткул
сотайиб кетмаган дарвозабон
Ю. Ишеничкинов ва терма ко-
манда составига киритилган
Г. Красниций уйнамади. Аммо
буни баҳона қилиб бўлмайди.

Ана шундай вазиятда мастер-
ларимиз учун мусобиқ ўринбо-
сарлар таълимида ҳақида қай-
ғирилмаётганлиги яна бир бор
равшан бўлиб қолди. Ҳисоби
дастлабнинг минутада С. Стадник
очди. Орадан ўн минут ўтган-
дан кейин Поликанов пахтакор-
чиларини ўйинни марказдан
бошлашга мажбур қилди. С.
Стадник командани яна олдинга
олиб чиқди. Поликанов бу са-
фар ҳам мувозанатни тенглаш-
тирди. 76-минутда эса Заха-
ров Кисляк дарвозасига учин-
чи тўпни киритди.

Ўтган йил Кубокни қўлга
киритган Киевнинг «Динамо»
командаси Новосибирскда ку-
тилганда маҳаллий Армия
спорт клуби футболчиларига
1:2 ҳисобида ютказиб қўйди.
Москванинг «Локомотив» ко-
мандаси Винницада клубдошлар-
ни 2:0 ҳисобида енгди. Осе-
саннинг Армия спорт клуби ко-
мандаси эса «Б» классига қат-
нашаётган Костроманинг «Тек-
ма» коллективидан 0:1 ҳисо-
бида мағлубиятга учради. Куб-
ок учун бошқа учрашувлар
қўйилган натижаларни берди:

«Олга» — «Крылья Советов» —
0:1, — «Карпати» (Львов) —
«Шахтёр» (Донецк) — 1:2,
«Авангард» (Тернополь) —
СКА (Ростов) — 3:2.

Александров номидаги Қизил
Байроқли Совет Армияси қўшқ
ва рақс ансамблининг биринчи
концерти Қошқдеда (Чехослова-
кия Социалистик Республикаси)
ўтказилди. 40 минг киши томоша
қилган бу концерт зўр муваффақ-
ият билан ўтди.

КОШИЦЕ